

## **ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

**АБДИВОХИДОВ МАМУРЖОН АВАЗХОН ЎҒЛИ<sup>1</sup>**

**PRIMOV JO'RABEK ALLAYAR O'G'LI<sup>2</sup>**

**MEXRIDDINOV FAHRIDDIN ASQAR O'G'LI<sup>3</sup>**

**ORTIQOV FARMONBOY RAXMON O'G'LI<sup>4</sup>**

**Аннотация:** мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида корхоналар фаолияти самарадорлиги тизимли ёндашув услубида тадқиқ этилган. Бунда хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг иқтисодий салоҳияти, молиявий салоҳияти, мулкый салоҳияти ва меҳнат салоҳияти каби кўрсаткичлари таркиби шакллантирилган. Шу асосда корхона бизнес–жараёнларини комплекс таҳлил қилишнинг тизимли ёндошув модели тавсифланган. Шунингдек, корхоналар занжирли бизнес жараёнининг тузилиши ва унинг ўзига хос намоён бўлиш хусусиятлари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** хизмат кўрсатиш соҳаси, корхоналар, бизнес-жараён, тизимли ёндошув, иқтисодий салоҳият, молиявий салоҳият, мулкый салоҳият, меҳнат салоҳияти.

Маълумки, хўжалик фаолияти самарадорлигини баҳолашда анаънавий таҳлил услубларидан кенг фойдаланилади. Бунда кўп ҳолларда иқтисодий ва молиявий таҳлил назарда тутилади. Мазкур йўналишдаги тадқиқотларда корхона молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва молиявий ҳисобот маълумотларида ифодаланган кўрсаткичлар тизимини такомиллаштиришнинг илмий-услубий жиҳатларига<sup>5</sup> алоҳида аҳамият қаратилган. Бироқ, тизимли ёндошув услубиётининг бир қанча таркибий элементлари мавжуд бўлиб, улар корхона бизнес-жараёнларини комплекс таҳлил этиш имконини беради.

<sup>1</sup> Mustaqil izlanuvchi, Real iqtisodiyot kafedrasining assistenti, Samarqand Iqtisodiyot va servis instituti, O'zbekiston

<sup>2</sup> O'zbekiston, Samarqand Iqtisodiyot va servis instituti, "Iqtisodiyot" fakulteti, IK-1020 guruh talabasi

<sup>3</sup> O'zbekiston, Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, "Iqtisodiyot fakulteti" talabasi

Muallifning elektron pochta: [fahriddinmexriddinov@gmail.com](mailto:fahriddinmexriddinov@gmail.com)

Muallifning telefon raqami: +99899 136 35 73

<sup>4</sup> O'zbekiston, Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, "Iqtisodiyot fakulteti" talabasi

Muallifning elektron pochta: [farmonboyortiqov1@gmail.com](mailto:farmonboyortiqov1@gmail.com)

Muallifning telefon raqami: +99899 771 45 05

<sup>5</sup> Ваҳобов А.В., Иброхимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Тошкент: "Шарк" НМАК, 176-б.; Рахимов М. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: "Иқтисод-молия", 2013. 35 - б.; Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашр уйи, 1999. – 346 б.; Пўлатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва таҳлили: назария ва амалиёт масалалари. Монография. –Т.: Иқтисодиёт, 2012.-166 б.; Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. – Т.: "Иқтисод-молия", 2009.- 288 б.; Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. –Т.: "Фан ва технология" нашриёти, 2013.,146-168 б.; Уразов К.Б. Худайбердиев Н.У., Аннаева М.Б., Исроилов Ё.Ж., Пашаходжаева Д.Д., Мардонов М.Ш. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг долзарб муаммолари. Монография. – Т.: "Иқтисодиёт" нашриёти, 2011. – 260 б.; Тошназаров С. Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисобот: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: "Наврўз", 2016 й. – 295 б.



**Асосий қисм.** Хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар фаолиятининг молиявий натижаларини баҳолашда ҳам тизимли ёндошувнинг таҳлил услубларидан фойдаланиш жуда қулай ҳисобланади. Тизимли таҳлилнинг асосий мақсади муаммога олиб келувчи хатоларни аниқлаш ва бартараф этишда энг яхши муқобил ечимларни топишдан иборатдир.<sup>6</sup> Тизимли таҳлилни корхона фаолиятида қўллашнинг икки жиҳати мавжуд:

Биринчидан, тизимли таҳлил бу - тизимлар назариясининг методологияси бўлиб, тизим сифатидаги ҳар қандай объектни ўрганиш, уларни тузиш ва таҳлил қилиш босқичларидан иборат бўлган жараён дир. Тизимли таҳлилнинг оддий таҳлил усулидан асосий фарқи шундаки, у нафақат таҳлил балки синтез усулини ҳам ўз ичига олади. Шу жиҳатдан корхоналар фаолиятини ҳар томонлама тадқиқ этишда ушбу таҳлил услуби жудда қулай ҳисобланади.

Иккинчидан, кичик (оилавий) корхоналар тавсифига кўра улар фаолиятини таҳлил қилиш ҳар томонлама амалга оширилиши мумкин, чунки оилавий корхоналар, йирик корхоналар каби муайян жараёнлар учун масъул бўлган алоҳида тузилмавий бўлинмаларга эга эмас. Масалан, йирик корхоналар ҳар бир алоҳида жараён учун унинг бажарилиши ва назорати учун махсус бўлинмалари (бўлим, цех, гуруҳ ва бошқалар) мавжуд. Агар йирик бизнесда сотиш билан боғлиқ муаммолар юз берса, ундай ҳолда савдо бўлими фаолияти таҳлил этилади ва сотиш ҳажмини ошириш бўйича чоралар кўрилади. Агар бу муаммо оилавий корхонада юз берса, у ҳолда барча жараённи тўлиқ ўрганиш керак бўлади. Чунки муаммолар корхона иш жараёнининг исталган босқичида рўй берган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда оилавий корхоналарнинг ютуғи шундаки улар қисқа муддатда ўз фаолиятини комплекс таҳлил этиб, муаммони бартараф этиш имкониятига эга бўладилар.

Юқоридаги назарий талқинларга асослансак тизимли таҳлил корхонада ишлаб чиқаришдан то истеъмолчигача бўлган барча жараёнларни қамраб олар экан. Бундай мураккаб узлуксиз жараёнга «бизнес-жараён» деб қараш мумкин.

Корхона бизнес-жараёнларини бошқаришнинг турли ёндошувлари мавжуд.<sup>7</sup> Бундай ёндошувлар моҳиятига кўра, ташкилотнинг барча бизнес жараёни асосий, йўналтирувчи, ёрдамчи, таъминловчи, бошқарув ва ривожланиш жараёнларига бўлинади.<sup>8</sup> Аммо ушбу тадқиқот мақсадларидан келиб чиқиб "бизнес-жараён" тушунчасига изчиллик, мақсадга йўналтирилганлик ва тартибга солинадиган тизим сифатида қарашни лозим билдик.

Бизнес-жараён ўз моҳиятига кўра, корхонада ўзаро боғлиқ ҳаракатларнинг узун занжири бўлиб, бу жараён турли бўлим ходимлари томонидан назорат қилинади. Йирик корхоналарда занжирли бизнес жараёнининг тузилиши унинг барча элементлари ҳисобига ташкил топиб, жуда узун бирикмани ҳосил қилади. Бироқ, кичик (оилавий) корхоналарда бу ҳолат бошқача хусусиятларда намоён бўлади:

**биринчидан,** бизнес-жараён занжири кичик (оилавий) корхонада йирик корхонага қараганда анча қисқа бўлади;

<sup>6</sup> Волкова, В.Н. Теория систем системный анализ: учебник для академического бакалавриата / В.Н. Волкова, А.А. Денисов.-2-е изд., перераб. и доп. - М.: Издательство Юрайт - 2014. -616 с.

<sup>7</sup> Громов, А.И. Управление бизнес-процессами: современные методы. Монография / А.И. Громов, А. Фляйшман, В. Шмидт. – Люберцы: Юрайт, 2016.-367 с.; Репин, В.В. Бизнес-процессы. Моделирование, внедрение, управление / В.В. Репин.- М.: Манн, Иванов и Фербер, 2013.-512 с.; Ширяев В.И. Управление бизнес-процессами: Учебно-методическое Пособие / В.И. Ширяев, Е.В. Ширяев. – М.: Финансы и статистика, 2014. - 464 с.; Акромов А., Курбанова Д. Информационные технологии как фактор инновационного развития и повышения конкурентоспособности малого бизнеса: мировой опыт // Ж.: Иктисодиёт ва таълим.- Ташкент. - 2016, № 6. С.118-122.

<sup>8</sup> Варзунов А.В., Торосян Е.К., Сажнева Л.П., Анализ и управление бизнес-процессами // Учебное пособие. - СПб: Университет ИТМО - 2016.-112 с.



**иккинчидан**, кичик (оилавий) корхонада бизнес жараёнлар қатъий тартиб ва бюрократик характерга эга эмас, бунинг натижасида улар янада мослашувчан бўлиб, такомиллаштирилиши, ўзгартирилиши ёки алмаштирилиши осон кечади;

**учинчидан**, кичик (оилавий) корхонада кам сонли ходимлар туфайли баъзи бир жараёнлар турли оила аъзолари томонидан (йирик корхонада ҳар бир жараён учун алоҳида ходим ёки бўлим жавобгар бўлади) бажарилиши мумкин. Энг муҳими, ҳар бир оила аъзоси корхонада юз берадиган жараёнларни билиб боради.

Шунга кўра, оилавий корхона бизнес-жараёнларини таҳлил қилиш йирик корхоналардан фарқ қилади. Асосий фарқ шундаки, агар йирик корхонада жараённинг самарадорлигини мунтазам кузатиб бориш ва фақат муайян жараёнларни ўзгартириш ёки яхшилаш имконияти мавжуд бўлса, оилавий корхонада барча жараёнлар таҳлил қилиниши талаб этилади. Шу сабабли оилавий корхоналар фаолиятини ўрганишда айнан тизимли таҳлил усули энг самарали ҳисобланади.

Оилавий корхона бизнес-жараёнларини таҳлил қилишнинг тизимли ёндошув модели (1-расм) тавсифига кўра қуйидагиларни ифодалайди:

1. Оилавий корхонанинг ташкилий ва ишлаб чиқариш фаолияти таҳлилида, унинг ташкилий тузилмаси (ташкилий-ҳуқуқий ва бошқарув шакли, меҳнат шароитлари, ходимларнинг функционал мажбуриятлари) таҳлил қилинади. Шу босқичда корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти ҳам таҳлил қилинади. Бунда оилавий корхона бизнес-жараёни занжирида оила аъзоларининг иштироки ва вазифалари аниқланиб, унинг самарадорлиги тўғрисида хулосалар ва уни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

2. Оилавий корхонанинг маркетинг таҳлили қуйидаги таркиб ва босқичларда амалга оширилади:

- бозор таҳлили (SWOT таҳлил усулида);

- нарх-наво таҳлили;

- корхонанинг реклама фаолияти таҳлили;

- корхона ҳати-ҳаракатини таҳлил қилиш (SWOT таҳлил усулида рақобатчилардан устунлиги, фарқли жиҳатлари, танилганлик даражасини ўрганилади);

- корхона маркетинг сиёсати самарадорлиги ва уни такомиллаштириш бўйича дастлабки тавсиялар.

3. Оилавий корхона молиявий таҳлили:

- харажатлар таҳлили: харажатлар таркиби ва динамикаси, асосий воситалар таркиби ва уларни ишлатиш самарадорлиги, капитал таркиби ва б.;

- корхона рентабеллиги таҳлили;

- корхона молиявий ҳолати хусусида хулосалар ва уни яхшилашга оид дастлабки тавсиялар ишлаб чиқилади.

4. Барча хулоса ва тавсиялар умумлаштирилади, уларни қўллаш имкониятлари таҳлил қилинади ва амалга ошириш режаси тузилади.

5. Корхона бизнес-жараёнини такомиллаштириш ёки реинжиниринг ўтказиш. Бунда корхонанинг максимал даражада самарали фаолият юритиши учун тузилган бизнес-жараёнларни тубдан қайта кўриб чиқиш чоралари кўрилади.

Шундай қилиб, тизимли таҳлил услуби корхонанинг барча афзалликлари ва камчиликларини аниқлаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Бундай тизимли ёндошувда молиявий натижалар таҳлили алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, ҳар қандай тадбиркорлик субъектининг фаолияти фойдани оширишга қаратилгандир. Корхона фойдасига таъсир этувчи асосий омилларга - товар ва хизматлар миқдори, таннархи, ассортимент ва уни



сотиш харажатлари киради. Ушбу омиллари таҳлил қилиш корхона рентабеллиги ва сотув ҳажмини оширишга ёрдам беради. Шу боис оилавий корхоналар молиявий фаолияти омилли таҳлил усулида баҳоланди.

Омилли таҳлил услуби ҳисобот давридаги даромад ва харажатларнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўзгаришини аниқлаш имконини беради. Бунда қуйидаги омиллар таъсири ўрганилди:

- сотиш ҳажми;
- сотилган товар ва хизматлар таннархи;
- сотиш нархи;
- сотилган товар ва хизматлар ассортименти.

Шундай қилиб, омилли таҳлил услубидан фойдаланиб, оилавий корхона фойдасини оширадиган савдо ҳажми, таннархи ёки сотув нархини аниқлаш мумкин. Сотилаётган маҳсулот турларининг омилли таҳлили эса бизга энг кўп сотилаётган ва энг кам талаб мавжуд бўлган маҳсулотни аниқлаш имконини беради.

Омилли таҳлилда кўрсаткичлар корхонанинг бухгалтерия ҳисоботидан олинади. Агар натижаларни йиллик таҳлил қилсак, унда оилавий корхонанинг "Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" №2 шаклидан фойдаланиш мумкин (1-жадвал).

Сотишдан тушган фойданинг омилли таҳлилинини Excel дастури ёрдамида бажариш мумкин. Бунда, дастлаб Excel жадвалидаги ҳақиқатдаги ва режа кўрсаткичларни таққослаймиз, сўнгра таҳлил қилинган натижалар ва фарқларни аниқ кўрсатадиган диаграмма ва графиклар яратилади. Шунингдек, Excel дастурида бир нечта блоклардан ташкил топган стандарт жадвал тузилиб, устуннинг чап томонида омиллар, марказда – ўтган йилнинг шу даври ва ҳисобот даври, ўнгда – фарқи (мутлақ ва нисбий қийматларда) бўйича маълумотлар киритилади (1-жадвал).

1-жадвал

"Ашур лаззат" оилавий корхонасининг молиявий фаолияти натижалари тўғрисида маълумот, минг сўм (2019 йил 1 январь ҳолатига)

Омиллар	Ўтган йилнинг шу даврида	Ҳисобот даврида	Ўтган йилга нисбатан оғиш	
			абсолют	фоизда
1	2	3	$4 = [3] - [2]$	$5 = [4] / [2] \times 100 \%$
Товар ва хизматларнинг сотишдан соф тушум	276692,74	276164	-528,74	-0,19
Сотилган товар ва хизматларнинг таннархи	183622,27	172602,72	-11 019,55	-6,67
Товар ва хизматларнинг фойдаси	93070,47	103561,28	10 490,81	11,27
Давр харажатлари, жами (сотиш, маъмурий ва бошқа операцион харажатлар)	73868,4	46318,08	-27 550,32	-37,29



Асосий фаолиятнинг фойдаси	19214,07	57255,2	38 041,13	197,98
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (фоизлар шаклидаги харажатлар)	2019,57	1637,47	-382,1	-18,91
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	17194,5	55617,73	38 423,23	223,46
Соф фойда (-,+)	10501,17	27924,79	17 423,62	165,92

**Манба:** Самарқанд шаҳридаги "Ашур лаззат" оилавий корхонасининг "Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" шакл №2 асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ушбу таҳлилда Самарқанд вилоятида умумий овқатланиш хизматларини кўрсатаётган "Ашур лаззат" оилавий корхонасининг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботидан фойдаланилди. Бунда билвосита харажатлар сотилган товарлар таннархига тақсимланади, яъни ишлаб чиқаришнинг умумий таннархи шакллантирилади. Сотишдан тушган фойданинг омилли таҳлили икки усулда (мутлақ фарқлаш усули ва занжирли алмаштириш усули) кўриб чиқилиб, корхона фойдасига энг кучли таъсир этган кўрсаткичлар аниқланди.

Бундан кўриниб турибдики, ҳисобот даврида корхонанинг товар ва хизматларни сотишдан соф тушуми ўтган йилга нисбатан 528,74 сўмга, таннарх 11019,55 сўмга кам бўлган. Ялпи фойда эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10490,81 сўмга ортган. Давр харажатлари 27550,32 сўмга камайган. Бунда, асосий фаолиятнинг фойдаси 38041,13 сўмга ортган. Молиявий фаолият бўйича харажатлар 382,1 сўмга камайган. Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда 38423,23 сўмга ортган. Ушбу қайд этилган барча омиллар фойдани 17423,62 минг сўмга ошириш имконини берган.

Оилавий тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини тадқиқ этишда унинг иқтисодий салоҳияти таркиби муҳим аҳамиятга эга. Чунки, оилавий тадбиркорликнинг рақобатбардошлиги унинг иқтисодий салоҳияти билан бевосита боғлиқдир. Бунда, уларнинг иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлари таҳлил объекти сифатида ўрганилади.

Корхона иқтисодий салоҳиятини тадқиқ этишнинг услубий ёндошувларига кўра, улар ўз таркибига: корхонанинг моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларини<sup>9</sup>, келажакда корхонанинг бозордаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган элементлари тизими<sup>10</sup> шунингдек, барча ресурслар (моддий ресурслар, меҳнат салоҳияти) ва номоддий активларни қамраб олиши<sup>11</sup> асосланган. Мазкур ёндошувларда корхона иқтисодий салоҳиятига моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланиб, унинг даромади(фойда)ни ошириш қобилияти ёки имкониятлари баҳоланган.

Уларни функция кўринишида қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Иқ_c = f(Мқ_c; Мн_c; Мо_c; Тд_c); \quad (1)$$

Бу ерда,

Иқ<sub>c</sub> - иқтисодий салоҳият, Мқ<sub>c</sub> - мулкый салоҳият, Мн<sub>c</sub> - меҳнат салоҳияти, Мо<sub>c</sub> - молиявий салоҳият, Тд<sub>c</sub> - тадбиркорлик салоҳияти.

<sup>9</sup>Ковалев В.В. Основы теории финансового менеджмента. М.: Изд-во "Проспект", 2008, с.384.


<sup>10</sup>Корулина В.Н., Остапенко Д.В. Новый экономический словарь. Р н/Д: Феникс, 2006, с.256.

<sup>11</sup> Абдукаримов И Т., Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи. 2003. - 256 бет.



Оилавий корхонанинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда мулкӣ салоҳият алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, ҳар қандай корхонанинг иқтисодий салоҳиятида унинг мулкӣ муҳим мезон ҳисобланади. Бу мулкнинг таркиби ва ташкил топиш манабалари “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунининг 15-моддасида белгилаб қўйилган.

Оилавий корхонанинг мулкӣ салоҳиятини баҳолашда “Бухгалтерия баланси №1 - сонли шакл”дан фойдаланиш мумкин. Ушбу ҳисобот шаклидан фойдаланиб оилавий тадбиркорликнинг мулкӣ салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлари тизими шакллантирилди (3-расм).



3 - расм. Оилавий корхона салоҳияти

Иқтисодий салоҳият таркибида меҳнат салоҳияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Меҳнат салоҳияти – бу бирор кўзда тутилган ишни маълум бир вақтда бажаришга қодир бўлган турли малакага эга барча ишчи ва хизматчиларнинг бирлашувидир<sup>13</sup>.

Оилавий тадбиркорликда меҳнат салоҳиятининг моҳияти эса, тадбиркор оиласининг меҳнат соҳасидаги имконият қувватлари бўлиб, ишлаб чиқаришда иштирок этишга лаёқатли бўлган барча оила аъзоларини ўз ичига олади. Ушбу кўрсаткич назарий жиҳатдан, оиланинг меҳнатга қобилятли ёшдаги (аёллар 16-55 ёш, эркаклар 16-60 ёш) аъзолари + пенсия ёшидагилар + меҳнатга лаёқатли бошқа аъзолари сони билан ҳисоблаш мумкин. Масалан, умумий овқатланиш соҳасидаги “Ашур лаззат” оилавий корхонаси меҳнат жараёнига 6 киши жалб этилган. Шундан 1 киши пенсия ёшида, 1 киши ҳали 16 ёшга кирмаган. Мазкур корхонанинг меҳнат ресурслари 4 киши, меҳнат салоҳияти эса 6 кишини ташкил этади. Демак, корхонанинг меҳнат ресурслари ва меҳнат салоҳияти бир-биридан миқдор жиҳатдан фарқ қилар экан. Бундан кўринадики, оилавий корхона аъзолари сони, ёши, билим ва малакаси ҳамда тажрибаси унинг меҳнат салоҳиятига таъсир этиб, меҳнат унумдорлигининг ошишига ёки синергетик самарага олиб келади. Бундай ҳолат оилавий корхоналарнинг меҳнат жараёни учун хосдир. Шу жиҳатдан қаралганда оилавий корхонада меҳнат салоҳияти таҳлили ўта муҳим.

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан тузилган

<sup>13</sup> Большая советская энциклопедия URL: [http://slovari.yandex.ru/экономический%20потенциал/](http://slovari.yandex.ru/экономический%20потенциал/БСЭ/Экономический%20потенциал/)



Иқтисодий салоҳият таркибида тадбиркорлик салоҳияти ҳам муҳим. Чунки, оиланинг қандай турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини танлашдан олдин барча оила аъзоларининг қобилиятлари ва қизиқишлари баҳоланади. Оиланинг тадбиркорлик салоҳияти кўп элементли бўлиб, унда инсон капитали интелектининг ўрни ва имкониятлари жуда муҳим мезон ҳисобланади. Оиланинг тадбиркорлик салоҳиятини аниқлашда оила аъзоларининг бирор бир фаолият турига мойиллиги ёки, тижорат, савдо, ишлаб чиқариш ва ижодий иш каби фаолият турларига бўлган қизиқишини аниқлаш тушунилади. Бунда барча касбий фаолият турларини инсоннинг меҳнат ва атроф муҳит объектларига бўлган муносабатларига қараб, тест ва сўровномалар ўтказиш орқали аниқлаш мумкин.

**Хулоса ва таклифлар.** Мавзуга методологик ёндошилиб, “бизнес-жараён” ва “тизимли ёндошув” тушунчаларининг тадқиқ этилаётган муаммога тадбиқан ҳар бирининг моҳияти очиб берилди. Бизнес-жараён - бу ўзаро боғлиқ ҳаракатларнинг узун занжири бўлиб, ишлаб чиқаришдан то истеъмолчигача бўлган барча жараёнларни қамраб олувчи мураккаб тизимдир. Тизимли ёндошув эса, бизнес-жараёнларни таҳлил этишнинг методологияси бўлиб, тизим сифатида қаралаётган объектни ўрганиш, уларни тузиш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ босқичлардан иборат бўлган таҳлил услубидир.

Хизмат соҳаси оилавий тадбиркорлиги бизнес-жараёнларини таҳлил этишга тизимли ёндошув деганда - хизмат соҳасида фаолият юритаётган оилавий тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини оширишга қаратилган, муаян босқичлардан ва ҳар бир босқичнинг таркибий ташкил этувчи элементларидан таркиб топган ҳамда узвий боғланган комплекс таҳлил услубиди тушунилади. Бундай ёндошув оилавий корхонанинг ташкилий ва ишлаб чиқариш фаолияти таҳлили, оилавий корхонанинг маркетинг таҳлили, оилавий корхона молиявий таҳлили, барча хулоса ва тавсияларни умумлаштириш ва корхона бизнес-жараёнини такомиллаштириш ёки реинжиниринг ўтказиш каби таҳлил босқичларини ўз ичига қамраб олади.

Умумий хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, хизмат соҳаси оилавий тадбиркорлик фаолияти бизнес-жараёнларига тизимли ёндошишдан асосий мақсад корхонада муаммоларга олиб келувчи хатоларни олдиндан аниқлаш ва бартараф этишда энг яхши муқобил ечимларни топишдан иборатдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References)**

1. Artikov Z. S. In Competitions Conductrd by Belt Wrestling Use of Fast Technical Methods Efficiency //American Journal of Social and Humanitarian Research. – 2022. – Т. 3. – №. 11. – С. 253-255.
2. Saifiddinovich A. Z., Shokhrukhovich U. F. Social Protection of the Unemployed and their Labor Increasing Competitiveness in the Market //American Journal of Social and Humanitarian Research. – 2022. – Т. 3. – №. 3. – С. 61-63.
3. Артиков З. С. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2022. – №. 4 (152). – С. 59-65.
4. Uralovich A. N., Abdulloevich N. D., Sayfiddinovich A. Z. An Analysis of the Demographic Data of Population of the Republic of Uzbekistan //American journal of social and humanitarian research. – 2021. – Т. 2. – №. 10. – С. 15-22.
5. Baxtiyorovna M. G., Abdukhililovich S. S., Nodirovna M. S. Directions of Improvement of the Mechanism of State Support of Business Entities //Pioneer: Journal of Advanced Research and Scientific Progress. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 1-7.
6. Sharifov S. S., Astanaqulov S. Improving the welfare and employment of the population //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 4. – С. 31-41.



7. Saidahadovich S. S. The ways of Efficient use of Resources in Consumer Services //American Journal of Social and Humanitarian Research. – 2021. – Т. 2. – №. 8. – С. 22-29.
8. Sultanovich M. D., Zuvaydullo X., Ulugbekovich K. D. Improvement of Organizational and Economic Mechanisms of Economic Growth in the Service Sector in the Republic of Uzbekistan //INTERNATIONAL JOURNAL OF BUSINESS DIPLOMACY AND ECONOMY. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 126-133.
9. Musinov Dilshod Sultanovich, Erdonov Mukhammadamin Erdon o'g'li, & Ibragimov Azamat Sobir o'g'li. (2023). APPLICATION OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN A MARKET ECONOMY. Лучшие интеллектуальные исследования, 8(2), 23–26. Retrieved from <http://web-journal.ru/index.php/journal/article/view/1012>
10. Sultanovich M. D. Opportunities to Create New Jobs Through the Development of the Service Sector //Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 113-122.
11. Мусинов Д. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНИНГИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛИ СИФАТИДА //Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 12/1.
12. Sultanovich M. D., Ug'li N. S. S. Opportunities to Ensure the Stability of the National Banking System and Apply Foreign Experience to Uzbekistan //Gospodarka i Innowacje. – 2024. – Т. 43. – С. 85-94.
13. Sultanovich M. D. IMPROVEMENT OF ORGANIZATIONAL AND ECONOMIC MECHANISMS OF ECONOMIC GROWTH IN THE SERVICE FIELD //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2023. – Т. 11. – №. 1. – С. 619-630.
14. Sultanovich M. D. THE MAIN DIRECTIONS OF POVERTY REDUCTION IN OUR COUNTRY //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2023. – Т. 11. – №. 2. – С. 164-171.
15. Sultanovich M. D. IMPROVING THE MANAGEMENT SYSTEM IN THE CONTEXT OF THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY //Journal of Modern Educational Achievements. – 2023. – Т. 3. – №. 3. – С. 51-58.
16. Nodirovna M. S. O'ZBEKISTONDA AXBOROT-TEXNOLOGIYALARINI RIVOJLANTIRISHNING IQTISODIY-HUQUQIY ASOSLARI //The Role of Technical Sciences in IV Industrial Civilization: International Scientific and Practical Conference (UK). – 2023. – Т. 4. – С. 153-164.
17. NODIROVNA M. S. ON THE CREATION OF ADDITIONAL PRODUCTS IN THE SERVICE PROCESS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //ТА'ЛИМ ВА INNOVATION TADQIQOTLAR. – 2023. – Т. 11. – С. 76-85.
18. Мирзаева Ш. Н., Мухидинов Д. Д. МИФЫ ЭКОНОМИКИ //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 41. – С. 283-287.
19. NODIROVNA M. S. BANKING SERVICES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. – 2023.
20. Nodirovna M. S. NOVELTY OF BANKING SERVICES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //The Journal of Economics, Finance and Innovation. – 2023. – С. 620-628.
21. Nodirovna M. S. Management of Service Processes in Service Enterprises in the Republic of Uzbekistan //Formation and Development of Pedagogical Creativity: International Scientific-Practical Conference (Belgium). – 2023. – Т. 2. – С. 32-41.





22. Nodirovna M. S. The Current State of Activity and State Policy in the Field of Economic Development of Service Sector Entities in the Republic of Uzbekistan //Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 218-226.
23. Курбанова Р., Мирзаева Ш. РОЛЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В СТИМУЛИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ //Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 12/1.
24. Nodirovna M. S., Ugli S. T. T., Abduazizovich A. I. WAYS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF GOVERNMENT SERVICES IN THE EMPLOYMENT OF THE POPULATION IN UZBEKISTAN //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 23. – С. 29-37.
25. Nodirovna M. S. FINANCING OF INVESTMENT ACTIVITIES IMPORTANCE OF SOURCES //Section A-Research paper Article History: Received. – 2022. – Т. 12.
26. Nodirovna M. S. Banks and Development of Banking Services in the Republic of Uzbekistan. Web of Semantic: Universal Journal on Innovative Education, 2 (6), 21–30. – 1910.
27. Nodirovna M. S. Foreign Experience in Supporting Entrepreneurship and Business Activity of Women. WEB OF SYNERGY: International Interdisciplinary Research Journal Volume2, Issue 5 Year2023 ISSN: 2835-3013 <https://univerpubl.com/index.php/synergy> <https://scholar.google.com/citations>.
28. Nodirovna M. S., Ugli S. T. T. and AI Abduazizovich, (2022). WAYS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF GOVERNMENT SERVICES IN THE EMPLOYMENT OF THE POPULATION IN UZBEKISTAN //Gospodarka i Innowacje. – С. 29-37.
29. Qarshieva M. S. N. C. M., Shaptakov J. U. The Composition of the Income of Service Workers and Ways of its Improvement (On the Example of Educational Institutions) //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – Т. 4.
30. Nodirovna M. S. FOREIGN TO THE SECTORS OF ECONOMY OF UZBEKISTAN ATTRACTING INVESTMENTS.
31. Artikov Z. S. FACTORS INFLUENCING THE INCREASE IN PROFIT AND PROFITABILITY OF BUSINESS STRUCTURES IN THE DIGITAL ECONOMY //Economics and Innovative Technologies. – 2022. – Т. 2022. – №. 2. – С. 1.
32. Nodirovna M. S. et al. THE ROLE OF WOMEN IN BUSINESS ACTIVITY AND MEASURES TAKEN IN THIS REGARD //JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE. – 2024. – Т. 3. – №. 3. – С. 66-69.
33. Nodirovna M. S. et al. Importance of Entrepreneurship Development in Uzbekistan //Journal of Innovation in Education and Social Research. – 2024. – Т. 2. – №. 3. – С. 221-223.
34. Nodirovna M. S., Jaloliddin M. In Small Business and Private Entrepreneurship the Place of Women //Excellencia: International Multi-disciplinary Journal of Education (2994-9521). – 2024. – Т. 2. – №. 3. – С. 161-165.
35. Nodirovna M. S., Sharif o'g'li A. S. E-Commerce Trends: Shaping The Future of Retail //Open Herald: Periodical of Methodical Research. – 2024. – Т. 2. – №. 3. – С. 46-49.
36. Nodirovna M. S., Akbar o'g'li X. S. IN PRIVATE BUSINESS-THE MAIN DIRECTION OF PROVIDING WOMEN'S EMPLOYMENT //Gospodarka i Innowacje. – 2024. – №. 45. – С. 242-245.
37. Nodirovna M. S., Sobirjon o'g'li R. B. Specific Characteristics of Economic Development //EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY. – 2024. – Т. 4. – №. 3. – С. 177-179.



38. OLIMJANOVICH D. B., NODIROVNA M. S., UGLI M. J. B. Ways To Improve the Conditions For the Development of Small Business and Private Entrepreneurship //EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY. – 2024. – T. 4. – №. 3. – C. 96-100.
39. ILKHAMOVNA S. Z., NODIROVNA M. S., FIRUZA A. THE GREAT SILK ROAD AND THROUGH IT THE DEVELOPMENT OF TOURISM IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY. – 2024. – T. 4. – №. 3. – C. 101-111.
40. ILKHAMOVNA S. Z., NODIROVNA M. S., JAXONGIR G. THE EXPERIENCE OF OTHER COUNTRIES IN THE LEGAL REGULATION OF AGRO AND ECOTOURISM //EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY. – 2024. – T. 4. – №. 3. – C. 112-120.
41. ILKHAMOVNA S. Z., NODIROVNA M. S., SHERDOR Y. WAYS TO IMPROVE THE ORGANIZATIONAL AND ECONOMIC MECHANISM OF USING FOREIGN EXPERIENCE IN THE DEVELOPMENT OF THE SERVICE SECTOR IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Best Journal of Innovation in Science, Research and Development. – 2024. – T. 3. – №. 3. – C. 343-354.
42. ILKHAMOVNA S. Z., NODIROVNA M. S., SHUXRAT E. INNOVATIONS IN CULTURAL TOURISM IN SAMARKAND //Gospodarka i Innowacje. – 2024. – №. 45. – C. 178-186.
43. ILKHAMOVNA S. Z., NODIROVNA M. S., KOMILBEKOVICH Y. D. BANKING SERVICES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND WAYS OF THEIR DEVELOPMENT IN THE ECONOMY //Best Journal of Innovation in Science, Research and Development. – 2024. – T. 3. – №. 3. – C. 355-367.
44. ILKHAMOVNA S. Z., NODIROVNA M. S., SAODAT X. AGRO AND ECOTOURISM IN UZBEKISTAN //Gospodarka i Innowacje. – 2024. – №. 45. – C. 169-177.
45. Nodirovna M. S. O'ZBEKISTONDA AXBOROT-TEXNOLOGIYALARINI RIVOJLANTIRISHNING IQTISODIY-HUQUQIY ASOSLARI //The Role of Technical Sciences in IV Industrial Civilization: International Scientific and Practical Conference (UK). – 2023. – T. 4. – C. 153-164.
46. NODIROVNA M. S. ON THE CREATION OF ADDITIONAL PRODUCTS IN THE SERVICE PROCESS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //ТА'ЛИМ ВА INNOVATION TADQIQOTLAR. – 2023. – T. 11. – C. 76-85.
47. Мирзаева Ш. Н., Мухидинов Д. Д. МИФЫ ЭКОНОМИКИ //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – T. 41. – C. 283-287.
48. NODIROVNA M. S. BANKING SERVICES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. – 2023.
49. Nodirovna M. S. NOVELTY OF BANKING SERVICES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //The Journal of Economics, Finance and Innovation. – 2023. – C. 620-628.
50. Nodirovna M. S. Ways to Develop Banking Services in the Republic of Uzbekistan. World of Science: Journal on Modern Research Methodologies, 2 (4), 18–24. – 2023.
51. Курбанова Р., Мирзаева Ш. РОЛЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В СТИМУЛИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ //Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences. – 2023. – T. 3. – №. 12/1.
52. Nodirovna M. S. FINANCING OF INVESTMENT ACTIVITIES IMPORTANCE OF SOURCES //Section A-Research paper Article History: Received. – 2022. – T. 12.
53. Nodirovna M. S. Banks and Development of Banking Services in the Republic of Uzbekistan. Web of Semantic: Universal Journal on Innovative Education, 2 (6), 21–30. – 1910.



54. Nodirovna M. S. Foreign Experience in Supporting Entrepreneurship and Business Activity of Women. *WEB OF SYNERGY: International Interdisciplinary Research Journal* Volume2, Issue 5 Year2023 ISSN: 2835-3013 <https://univerpubl.com/index.php/synergy> <https://scholar.google.com/citations>.
55. Nodirovna M. S., TUgli S. T. and AI Abduazizovich,(2022). WAYS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF GOVERNMENT SERVICES IN THE EMPLOYMENT OF THE POPULATION IN UZBEKISTAN //Gospodarka i Innowacje. – C. 29-37.
56. Nodirovna M. S., Mamasoliyevna K. C., Ugli S. J. U. The composition of the income of service workers and ways of its improvement (on the example of educational institutions) //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2022. – T. 12. – №. 4. – C. 213-218.
57. Nodirovna M. S. FOREIGN TO THE SECTORS OF ECONOMY OF UZBEKISTAN ATTRACTING INVESTMENTS.
58. Nodirovna M. S., Bakhtiyorovich S. J. Taʻ nakulovich, TK (2022) //Prospects for the Development of Small Business and Entrepreneurship in the Digital Economy. *American Journal of Economics and Business Management*, [online]. – T. 5. – №. 3. – C. 248-252.
59. Nodirovna M. S. Taʻ nakulovich, TK and Baxtiyorovich, SJ (2022) //WAYS TO IMPROVE THE EFFICIENCY OF MEDICAL SERVICES IN THE CONDITIONS OF THE DIGITAL ECONOMY. *Gospodarka i Innowacje*, [online]. – T. 22. – C. 182-186.
60. Baxriddin o'g'li, Iskandarov Sunnatillo, and Eshmanov Lochinbek Tolib o'g'li. "Issues of Development of Business Activity in Local Areas." *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY* 4.3 (2024): 311-314.
61. Baxriddin o'g'li I. S. et al. WAYS TO USE SMART TECHNOLOGIES IN AGRICULTURE //Gospodarka i Innowacje. – 2024. – №. 45. – C. 385-388.
62. Baxriddin o'g'li I. S. et al. Development of Family Business in the Republic of Uzbekistan //Journal of Innovation in Education and Social Research. – 2024. – T. 2. – №. 3. – C. 229-231.
63. Baxriddin o'g'li I. S. et al. Issues of Attracting Domestic Investments to the Uzbekistan Economy //EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY. – 2024. – T. 4. – №. 3. – C. 315-318.
64. Sunnatillo I., Behzod G. Through Family Business and Small Business Activities Poverty Abbreviation //EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY. – 2024. – T. 4. – №. 3. – C. 278-280.
65. Baxriddin o'g'li I. S., Shukrullo o'g'li Q. S., Komil o'g'li S. D. INNOVATIONS IN CUSTOMER EXPERIENCE: ENHANCING ENGAGEMENT AND LOYALTY //Web of Discoveries: Journal of Analysis and Inventions. – 2024. – T. 2. – №. 3. – C. 77-81.
66. Baxriddin o'g'li I. S., Axmad o'g'li A. D. THE GIG ECONOMY: OPPORTUNITIES AND CHALLENGES FOR WORKERS AND BUSINESSES //Open Herald: Periodical of Methodical Research. – 2024. – T. 2. – №. 3. – C. 50-52.
67. Baxriddin o'g'li I. S. et al. The Role of Banks in the Development of Small Business and Entrepreneurship //EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY. – 2024. – T. 4. – №. 3. – C. 161-164.
68. Ugli I. S. B. Expanding the Range of Capabilities of Family Enterprises in the Development of the Service Sector in the Republic of Uzbekistan //The Role of Technical Sciences in IV Industrial Civilization: International Scientific and Practical Conference (UK). – 2024. – T. 5. – C. 15-21.
69. Ugli I. S. B. Factors For Improving the Position of Family Enterprises in the Organization of Work at the Enterprise //" ONLINE-CONFERENCES" PLATFORM. – 2023. – T. 1. – C. 438-444.



70. Bahridin o'g'li I. S. PROMOTING EMPLOYMENT BY THE DEVELOPMENT OF FAMILY ENTREPRENEURSHIP //International journal of advanced research in education, technology and management. – 2023. – T. 2. – №. 4.
71. Bahridin o'g'li I. S. THE CONCEPT OF QUALITY OF LIFE AND FOREIGN RESEARCH EXPERIENCE QUALITY OF LIFE OF THE POPULATION //International journal of advanced research in education, technology and management. – 2023. – T. 2. – №. 4.
72. Bahridin o'g'li I. S. THE ROLE OF THE DIGITAL ECONOMY IN THE DEVELOPMENT OF THE ECONOMY //International journal of advanced research in education, technology and management. – 2023. – T. 2. – №. 4.
73. Bahridin o'g'li I. S. SOME THEORETICAL VIEWS ON CONCEPTS SUCH AS FAMILY ECONOMY, ENTREPRENEURSHIP //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – T. 10. – №. 12. – C. 446-449.
74. Bahridin o'g'li I. S. FAMILY BUSINESS AND ITS THEORETICAL FOUNDATIONS //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – T. 29. – C. 5-11.
75. Isomiddinovich A. A. et al. The Role of Banking Services in Increasing the Efficiency of Economic Relations //EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY. – 2024. – T. 4. – №. 3. – C. 323-325.
76. Isomiddinovich A. A. et al. Ways of Effective Use of the Resources of Commercial Banks //EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY. – 2024. – T. 4. – №. 3. – C. 319-322.
77. Isomiddinovich A. A., Sunnatillo S. Improving Risk Management System in Commercial Banks //EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY. – 2024. – T. 4. – №. 3. – C. 284-286.
78. Isomiddinovich A. A., Jasurbek N. Improvement of Risk Management System in Commercial Banks //Excellencia: International Multi-disciplinary Journal of Education (2994-9521). – 2024. – T. 2. – №. 3. – C. 166-170.
79. Isomiddinovich A. A., Rahimjon o'g'li A. Z. IMPROVING THE RISK MANAGEMENT SYSTEM IN THE ACTIVITIES OF COMMERCIAL BANKS //PEDAGOG. – 2024. – T. 7. – №. 3. – C. 241-244.
80. Асроров А. ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ПРИРОДА РИСКОВ, ВОЗНИКАЮЩИХ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ //Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences. – 2024. – T. 4. – №. 2.
81. Isomiddin o'g'li A. A., Ulug'bekovich X. D. THE ECONOMICAL SCIENTIFIC COUNTRIES AND SCIENCES //Pedagogy. – 2023. – T. 2. – №. 2. – C. 9-13.
82. Ugli A. A. I. OPPORTUNITIES TO ENSURE FOOD SAFETY IN UZBEKISTAN //Journal of marketing, business and management. – 2023. – T. 1. – №. 11. – C. 118-121.
83. Ugli A. A. I. ECONOMIC SECURITY OF THE REGION: problems and ways to solve them //Journal of marketing, business and management. – 2023. – T. 1. – №. 12. – C. 149-152.
84. Ugli A. A. I. THE ROLE OF PUBLIC ADMINISTRATION IN ENTERPRISE FOREIGN MARKET //Journal of marketing, business and management. – 2023. – T. 1. – №. 11. – C. 122-125.
85. Ugli A. A. I. QUALITY AND COMPETITIVENESS OF SERVICES IN THE TOURISM MARKET //Journal of marketing, business and management. – 2023. – T. 1. – №. 12. – C. 145-148.

